



## **O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MANKAMASINING QARORI**

20 21 yil « 8 » may

№ 289

Toshkent sh.

### **Ўзбекистон Республикаси Гидрометеорология хизмати маркази ҳузурида “Гидрометеорологияда ахборот технологияларини ривожлантириш маркази” давлат муассасаси фаолиятини ташkil этиш чора-тадбирлари тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси гидрометеорология хизмати фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 17 ноябрдаги ПҚ–4896-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси гидрометеорология хизмати фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 17 ноябрдаги ПҚ–4896-сон қарори билан Гидрометеорология хизмати маркази (кейинги ўринларда – Ўзгидромет) ҳузуридаги “Метеоинфосистем” ахборот-техник бошқармаси негизда “Гидрометеорологияда ахборот технологияларини ривожлантириш маркази” давлат муассасаси (кейинги ўринларда – Марказ) ташкил этилганлиги, унинг фаолиятини молиялаштириш манбалари ҳамда ходимларига Ўзгидромет ходимлари учун белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш ва мукофотлаш тартиби қўлланилиши белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар Марказнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

гидрометеорология хизмати самарадорлигини ошириш, электрон хизматларнинг ўз вақтида тақдим этилишини таъминлайдиган замонавий интеллектуал тизимлар, ахборот ресурслари ва дастурий маҳсулотларни жорий этиш;

гидрометеорология хизматининг технологик инфратузилмасини ривожлантириш, электрон ўзаро ҳамкорликни ташкил этиш ва гидрометеорологик ҳамда сунъий йўлдош маълумотлари билан алмашиш учун ягона телекоммуникация тармоғини яратиш;

катта ҳажмдаги рақамли маълумотларга ишлов бериш ва таҳлил қилиш, гидрометеорологик ва сунъий йўлдош маълумотларини моделлаштириш учун юқори тезликка эга компьютер марказларидан кенг фойдаланиш;

гидрометеорология хизмати ходимларининг, айниқса, катта ҳажмдаги рақамли маълумотлар, компьютер моделлаштириш, сунъий йўлдош технологиялари ва ахборот хавфсизлиги соҳасидаги кўникмаларини ошириш.

3. Ўзбекистон Республикаси Гидрометеорология хизмати маркази ҳузуридаги “Гидрометеорологияда ахборот технологияларини ривожлантириш маркази” давлат муассасасининг тузилмаси иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Белгилансинки, Марказ директори Ўзгидромет бош директори томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод қилинади.

4. Марказга:

малакали мутахассисларни жалб этган ҳолда гидрометеорология соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш бўйича фуқаролик-ҳуқуқий шартномалар асосида меҳнатга ишбай ҳақ тўланадиган дастурчилар жамоасини шакллантиришга, шу жумладан, хорижий мутахассисларни маслаҳатчи сифатида жалб қилишга;

юклатилган қўшимча вазифалар доирасида кўрсатиладиган пуллик хизматлардан тушган маблағларнинг камида 50 фоизи Марказ ходимларининг иш ҳақи учун, уларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва моддий рағбатлантириш тадбирларига сарфланишига рухсат берилсин.

5. Ўзгидромет:

а) бир ой муддатда:

Марказнинг уставини қўшимча вазифаларни иноватга олган ҳолда ишлаб чиқсин ва тасдиқласин ҳамда белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминласин;

бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштирсин;

б) икки ой муддатда Марказ томонидан фаолият ихтисослиги бўйича қўшимча пуллик хизматлар кўрсатиш тартибини тасдиқласин;

в) 2021 йил 1 июлга қадар Молия вазирлиги билан биргаликда Марказни 2022 йил 1 январдан бошлаб тўлиқ хўжалик ҳисобига ўтказиш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг маслаҳатчиси – ИТ-технологиялар, телекоммуникациялар ва инновацион фаолиятни ривожлантириш масалалари департаменти бошлиғи О.М. Умаров ҳамда Ўзгидромет бош директори Ш.Х. Ҳабибуллаев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири



А. Арипов



Вазирлар Маҳкамасининг  
2021 йил “ 8 ” майдаги 289-сон қарорига  
илова

Ўзбекистон Республикаси Гидрометеорология хизмати маркази ҳузуридаги  
“Гидрометеорологияда ахборот технологияларини ривожлантириш маркази” давлат муассасасининг  
ТУЗИЛМАСИ



Ходимларнинг умумий чекланган сони (техник ва хизмат кўрсатувчи ходимлардан ташқари) – 53 нафар.  
Техник ва хизмат кўрсатувчи ходимлар сони белгиланган меъёрларга мувофиқ аниқланади.